

Ақийда дарслари (128-дарс). Сифатларнинг тақсими



14:00 / 05.04.2021 2739

Сифатларнинг тақсими

Аҳли сунна ва жамоанинг халаф уламолари Аллоҳ таолонинг сифатлари ва гўзал исмлари ҳақида келган оят ва ҳадисларни атрофлича ҳамда чуқур ўрганиб, йигирмата сифат борлигига иттифоқ қилганлар ва уларни тўртга тақсимлаганлар.

1. Нафсий сифат.

Бунда фақат зотга далолат қилувчи, зиёда маънони билдирмайдиган собит сифат ирода қилинган.

Аллоҳ таолонинг нафсий сифати битта бўлиб, «вужуд» сифатидан иборатдир.

2. Салбий сифатлар.

Бунда Аллоҳ таолога нолайиқ бўлган сифатни йўқ қилишга далолат қиладиган сифатлар кўзда тутилган.

Салбий сифатлар бештадир:

1. Қадимийлик.

2. Боқийлик.
3. Янги пайдо бўладиганларга мухолифлик.
4. У Зотнинг Ўз-Ўзидан қоим бўлиши.
5. Ягоналик.

Ушбу сифатларнинг ҳар бири Аллоҳ таолога нолойиқ бўлган сифатларнинг манфий эканини ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам улар «салбий сифатлар» деб аталган.

3. Маънолар сифатлари.

Бунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида қоим бўлган ва Унга муайян ҳукми лозим қилган сифатлар кўзда тутилган. Мисол учун, илм сифати у билан сифатланган шахснинг олим бўлишини тақозо қилади.

Маънолар сифатлари еттитадир:

1. Қудрат.
2. Ирода.
3. Илм.
4. Ҳаёт.
5. Эшитиш.
6. Кўриш.
7. Калом.

Аллоҳ таоло ушбу сифатларнинг маъноси ила сифатлангандир. У Зот Қодир, Мурид – Ирода қилувчи, Олим, Тирик, Эшитувчи, Кўрувчи ва Гапирувчидир.

4. Маънавий сифатлар.

Бу тоифадаги сифатлар ўзидан олдинги – маънолар сифатларининг узвий натижасидан бошқа нарса эмас. Бошқача қилиб айтганда, маънавий сифатлар маънолар сифатларининг собит бўлишидан келиб чиққан ҳукмлардир.

Маънавий сифатлар еттитадир:

1. У Зоти таолонинг қодир бўлмоғи.
2. У Зоти таолонинг ирода қилувчи бўлмоғи.
3. У Зоти таолонинг олим бўлмоғи.
4. У Зоти таолонинг ҳаёт (тирик) бўлмоғи.
5. У Зоти таолонинг эшитувчи бўлмоғи.
6. У Зоти таолонинг кўрувчи бўлмоғи.
7. У Зоти таолонинг гапирувчи бўлмоғи.

Ушбу етти сифат ўзларидан олдинги етти сифатга боғлиқдир. Уларнинг «маънавий сифатлар» деб аталиши юқоридаги маънолар ила сифатланишнинг бўлаги эканидандир.

«Сунний ақийдалар» китобидан